

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗДЖТУ ҲУЗУРИДАГИ ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИЯВИЙ
МЕТОДИКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ ВА БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИГА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ЎЙИНЛАР

Коммуникатив ўйинлар тўплами



Тошкент 2016



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИЯВИЙ МЕТОДИКАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ ВА БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИГА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ЎЙИНЛАР

КОММУНИКАТИВ ЎЙИНЛАР ТЎПЛАМИ

Тошкент-2016



ЎзДЖТУ хузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий Маркази Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланган ва чоп этишга тавсия этилган (27. 11. 2015 йил 10-сонли баённома)

Тузувчи: Бахрамова М.Д. , – Т.2016. 70 бет.

Тақризчилар: п.ф.н. В.И. Нормуратова – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Замонавий педагогик технологиялар кафедраси мудир.

С.С.Хан – Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий Маркази Чет тиллар бўйича янги авлод дарсликлар ва ўқув услубий мажмуаларни такомиллаштириш ва нашрга тайёрлаш бўлими бошлиғи.

Масъул муҳаррир: А.А. Носиров – Халқ таълими вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар бошқармаси бошлиғи.

Расмлар: Абдурахматова Нилюфар – Республика рассомлик коллежи 3 курс талабаси.

Мазкур бошланғич босқичда чет тилини ўқитишга мўлжалланган коммуникатив ўйинлар тўплами чет тили ўқитувчиларига мўлжалланган бўлиб, тўпланда ўйинларнинг классификацияси ва турлари тавсифлаф берилган. Ушбу тўплам боғча ва бошланғич мактаб чет тилида дарсларида фойдаланиш учун мўлжалланган 60 дан ортиқ коммуникатив ўйинларни ўз ичига олган бўлиб (инглиз, немис ва француз тилларидаги мисоллар билан), улар дарсларни қизиқарли ва самарали бўлишига хизмат қилади. Мазкур ўйинлар бошланғич босқичда чет тилини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда саралаб олинган бўлиб, болаларнинг чет тилида оғзаки нуқт ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантиришнинг самарали воситаси ҳисобланади.



МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
ЎЙИНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЎЙИНЛАР ЕТАКЧИ УСУЛ СИФАТИДА	6
ЎЙИНЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ	9
ЧЕТ ТИЛИ ДАРСИДА КОММУНИКАТИВ ЎЙИНЛАР (ИНГЛИЗ, НЕМИС, ВА ФРАНЦУЗ ТИЛИДАГИ МИСОЛЛАР БИЛАН).....	13
ЎЙИНЛАР УЧУН ИЛОВАЛАР.....	57
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	69



КИРИШ

*Ўйин бу – болаларнинг ўзлари
яшаётган ва ўзгартиришлари
лозим бўлган дунёни англаш
йўлидир*

Чет тилларини ўқитиш масъулиятли ва завқли машғулот ҳисобланади. Бугунги кун Ўзбекистон республикасида бошланғич босқичда чет тилларни ўқитишнинг халқаро стандартларга жавоб берадиган замонвий талаблардан келиб чиқиб ўқувчилардан бу масалага янгича ёндашувни талаб қилади.

Чет тилларни ўқитиш жараёнида ўқув ўйинлари ёки ўйин тарзидаги машқлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга бўлиб, ўйинлар чет тилларни бошланғич босқичда ўқитишнинг энг самарали усулларида бири саналади, шунингдек ўйинлар болаларда чет тили коммуникатив кўникмаларини шакиллантиради. Бугунги кунда ўйинлар мактабгача таълим тарбиялнувчилари ва бошланғич мактаб ўқувчиларига чет тилларни ўқитишнинг истиқболли йўналиши ҳисобланади.



ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ЎЙИНЛАР ЕТАКЧИ УСУЛ СИФАТИДА

*Ўйин бу – болаларнинг ўзлари
яшаётган ва ўзгартиришлари
лозим бўлган дунёни англаш
йўлидир*

Ҳар қандай тилда гаплашиш йиллар давомида тўпланадиган катта луғовий бойликни талаб этади. Бу шунини кўрсатадики чет тилини ўрганишни кичик ёшдан бошлаб лозим. Бу эса ўз навбаида педагогларни болаларга чет тилини самарали ва сифатли ўргатишни, асосийси эса чет тилини қизиқарли ўргатиш усулларини топшга ундади. Қизиқиш ўқитишнинг яхши стимули эканлигини ҳисобга олиб, болаларни чет тилини ўқитиш жараёнига ўйинлар орқали жалб этиш лозим.

Эрта ёшда чет тилини ўқитиш – бу шундай ўқув жараёники унда боланинг туғилишидан бошлаб мактабга боргунга қадар интуитив-амалий ёндашув асосида амалга оширилади. Боғча ёши чет тилини ўрганишни бошлаш учун энг қулай ёш ҳисобланиб, бу ёшдаги болалар тил ўрганишда жуда зийракдирлар, уларда ўзининг тил тажрибасини яъни, тил “сирларини” англашга қизиш уйғонади. Болалар кичик ҳажмдаги тил материалини осон ва мустаҳкам эслаб қоладилар ва уни яхши такрорлайдилар.

Боғча ва бошланғич мактаб ёшидаги болалар чет тилини мулоқот воситаси сифатида эгаллаганларида болаларга чет тилини ўқитиш коммуникатив характерга эга бўлиши лозим, яъни алоҳида сўзларни ва ибораларни ўрганиш эмас, балки коммуникатив эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўзларига маълум андозага асосан ибораларни туза олишлари керак.

Чет тилидаги мулоқот мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим. Болаларда чет тилидаги нутққа нисбатан ижобий рухий мойилликни шакиллантириш лозим. Бундай ижобий мойилликни шакиллантиришда ўйинлар муҳим аҳамият касб этади. Дарсда ўйинлар эпизодик ва яққа ҳолда бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Ўйинлар чет тили жараёнига бириктирувчи ва интеграллаштирувчи хусусиятга эга бўлган бошқа турдаги фаолиятни ўз ичига олиши лозим.

Ўйин методи асосида тасаввурий вазиятни шакиллантириш ва бола ёки ўқитувчи томонидан у ёки бу рўлни ижро этиш ётади.



Боғча ва кичик мактаб ёшидаги болаларга чет тилини ўргатишда психолого-педагогик хусусиятларини, яъни уларнинг қизиқувчанликларини ва серхафсалаликларини инобатга олиш лозим. Шунингдек, болалар узок муддат давомида ўз диққатларини бир турдаги фаолиятга қарата олмасликларини ёдда тутиш зарур. Шунинг учун машғулотларда болаларнинг фаолияти турли бўлиши ва хиссиётларга бой бўлиши шарт. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, боғча ёшидаги болаларни ўқитиш ўйин мотивацияси орқали амалга оширилса ва ўз тенқурлари орқали баҳоланса самарали натижа беради.

Чет тили дарсларида ўйин методининг аҳамияти катта. Ўйин методи лексика ва грамматикани бойитиш, талаффузни яхшилаш ва оғзаки нутқни ривожлантиришнинг яхши воситаси ҳисобланади. Шунингдек ўйнар машғулотларни ташкил этиш шакли ва методи ҳисобланиб, болалар бу жараёнда маълум чет тили лексикасини тўплайдилар, кўплаб шеърлар, ашулалар ва тез айтишларни ёдлайдилар.

Машғулотларни бу шаклда ташкил этиш тил билиш ва оғзаки нутқ кўникмасини эгаллашга қулай шароит яратади. Ўйин фаолиятига таяниш чет тилида гапириш учун табиий мотивацияни ҳосил қилишни таъминлаш, ҳаттоки энг оддий гапларни ҳам қизиқарли ва мазмунли қила олиш имконини беради. Чет тилларини ўқитишда ўйин ўқув фаолиятига ҳалақит бермайди, балки органик жиҳатдан у билан боғлиқдир. Боғча ёшидаги болаларга чет тилини ўқитишда уларда аста секин коммуникатив компетенцияларнинг асоси ривожлана бошлайди ва чет тилини ўрганишнинг бошланғич босқичида қуйидаги кўникмаларни ўз ичига олади:

- Чет тилидаги сўзларни ўқитувчининг, тил соҳиби ёки дикторнинг, ортидан фонетик жиҳатдан тўғри такрорлай олиш, яъни босқичма-босқич фонетик жиҳатдан эшитиб тушуниш ва тўғри талаффуз қилиш кўникмасини **шакллантириш**;

- Инглиз тили луғатини ўрганиш, мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш;
- Маълум миқдордаги мураккаб бўлмаган грамматик структураларни ўрганиш, ўзаро боғланган гапларни тузиш.

Ўйин фаолияти предметларнинг асосий белгиларини ажрата олиш ва таққослаш малакасини шакллантирувчи машқлар, предметларнинг муайян белгиларини умумлаштирувчи ўйинлар гуруҳи; мактабгача ёшдаги болаларда ўз-ўзини бошқариш, сўзларга тез жавоб бериш,



фонематик жиҳатдан эшита олиш тезлигини ривожлантирадиган ўйинлар гуруҳи. Бунда ўйин сюжети ўқитишнинг асосий мазмунига параллел равишда ривожланади, ўқув жараёнини фаоллаштиришга ёрдам беради. Ўйин чет тилларини ўрганишнинг илк босқичида устун ҳисобланган эслаб қолишга кўмаклашади.

Чет тилларни ўйин орқали ўрганиш мактабгача ёшдаги болаларнинг тил ва профессионал тайёргарлик даражаси сифатини ошириш билан боғлиқдир. Бунда фаол даражада ўқитиш жуда муҳим йўналиш ҳисобланади. Бу эса тил ўрганувчида анъанавий методикага нисбатан юқорироқ бўлган мустақил ўрганиш, уни фаолият ва мулоқот объекти позициясидан субъект позициясига ўтишини таъминлайди. Бундай усуллардан бири ўқув жараёнида ўйинлардан фойдаланиш усули ҳисобланиши мумкин.

Ўйин ўқитиш жараёнида ўқувчилар қизиқишини, уларнинг қобилияти, фикрлаш ва фаоллигини ривожлантириш воситаси сифатида чет тили ўқитувчиларининг эътиборини тортади. Чуқур ўйланган ва яхши ўтказилган ўйин тил материалига (лексика, грамматика, фонетика) кириш ва уни мустақамлашни осонлаштиради ҳамда тегишли билим ва кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради. Ўйин нутқ фаолиятининг (эшитиш, гапириш, ўқиш, ёзиш) ҳар қил турларини ўқитишда самарали восита ҳамдир. Ўқувчилар муайян натижаларга эришишда қувонч, завф ва қониқишни ҳис этадилар. Ўйинлардан ўқитишнинг барча босқичларида фойдаланиш мумкин. Боғча болалари ва бошланғич синф ўқувчилари ривожланишининг психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда таъкидлаш лозимки, ўйин ўз-ўзидан эслаб қолишга кўмаклашади. Шундай қилиб, ўйиннинг ҳар қил турларидан фойдаланиш чет тилларини ўқитишнинг муваффақиятли ва самарали методларидан ҳисобланади.

Бундан ташқари, таълимий ўйинлар – бу ўқувчиларнинг дарсдаги шундай фаолият турики, бу жараёнда топшириқлар ўйин шаклида ҳал қилинади. Ўйин болаларнинг қизиқиши ва фаоллигини уйғотади ҳамда уларнинг қизиқарли фаолият давомида ўзларини кўрсатиш имконини беради, чет тилидаги сўз ва гапларни тезроқ ва яхшироқ эслаб қолишига ёрдам беради, айнан ўйинда болалар ижтимоий функцияларини, одоб меъёрларини ўрганиб оладилар, ҳар томонлама ривожландилар. Ўйиннинг ривожланишдаги аҳамияти унинг табиатида мавжуди, чунки ўйин – бу доимо ҳиссиётлардир. Қаерда ҳиссиёт бўлса – шу ерда фаоллик, диққат ва тасаввур бўлади, у ерда фикрлаш қобилияти ўсади.



ЎЙИНЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Ўйинларнинг аниқ бир тури, таснифи мавжуд эмас. Кўп ҳолларда ўйинларни таълим мазмуни билан боғланган ҳолда танланади, масалан, сенсор қабул қилишга оид ўйинлар, филологик ўйинлар, табиат билан таништиришга оид ўйинлар ва бошқалар.

Ўйинларни материалларга ҳам асосланиб таснифлаш мумкин:

1. **Предметлар ёрдамида ўйналадиган ўйинлар** (ўйинчоқлар, табиий нарсалар ва бошқалар) ёш болаларга хосдир, чунки улар тўғридан-тўғри қабул қилишга асосланган, боланинг нарсалар билан муомала қилиш ва шу йўл билан у билан танишишга интилишига мос.

2. **Стол устида ўйналадиган ўйинлар** ҳам предметлар ёрдамида ўйналадиган ўйинлар сингари кўرғазмали қуролларга асосланган, лекин бу ўйинда болаларга предметларни ўзи эмас, уларнинг расмлари берилади. Дидактик ўйинчоқлар сингари стол устида ўйналадиган ўйинлар мустақил ақлий фаолиятни ривожлантирса самарали ҳисобланади.

3. **Сўзни айт ўйини** бирмунча қийинроқ бўлиб, бу турдаги ўйинларда предметлардан фойдаланиш шарт эмас. Бу каби ўйинларда болалар ўз таассуротларига суянишлари керак бўлади. Шунингдек, бу турдаги ўйинлар болаларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади ва болалар ўзлари мустақил муҳокама қилиш, бошқаларнинг фикрига таянмаган ҳолда ҳулосалар чиқариш, мантиқий ҳатоларни пайқашни ўрганадилар.

4. **Ролли ўйинлар** – бу ўйинлар ўқувчиларнинг оғзаки нутқ малакасини такомиллаштиради, шунингдек уларга актёрлик маҳоратларини синаб кўриш ва ошириш имконини беради.

Ўйинларни қуйидагича ҳам гуруҳлаш мумкин:

1. Саёҳат-ўйинлар
2. Кўрсатмалар-ўйинлар
3. Иборалар-ўйини
4. Топишмоқлар-ўйинлар
5. Сухбат-ўйинлар

1. **Саёҳат-ўйинлар** бирмунча романтик бўлиб, айнан шу жиҳат ўйин фаолиятини бойитади, шунингдек, ўйин мазмунини ривожлантиришда болаларни актив иштирок этишини таъминлайди ҳамда болаларнинг ўйин қоидаларини ўзлаштиришга, вазифани ечишга ва натижани олишга бўлган интилишларини оширади.



2. Саёҳат-ўйиннинг мақсади – таасуротларни кучайтириш, англашнинг моҳиятига бир оз эртакдаги оддийликни бериш, болаларнинг диққатини ёнида турган, лекин улар сезмаётган нарсаларга қаратиш. Ҳайвон-саёҳат диққат, кузатувчанлик, ўйинли топшириқларни тушуниш малакаларни ривожлантиради, қийинчиликларни енгиш ва муваффақиятга эришишни енгиллаштиради.

3. Топшириқ-ўйинлар. Уларнинг асосини предметлар билан бўладиган ҳаракатлар, оғзаки топшириқлар (бир хил рангли барча предметларни йиғиш, предметларни катталиги, шакли бўйича қўйиб чиқиш) ташкил этади.

4. Ҳйлаб топ ўйини. “Нима бўларди ... ?” ёки “Мен нима қилган бўлардим ...?” ва ҳоказо. Ҳйиннинг дидактик мазмуни шундаки, болаларга топшириқ берилади ва кейинги ҳаракатларни Ҳйлаб топишни талаб қиладиган вазият юзага келтирилади. Бу ўйинлар билимларни вазиятлар билан боғлаш, сабабларни аниқлаш малакаларни талаб қилади.

5. Топишмоқ ўйинлар билимларни ва топқирликни синашда фойдаланилади. Топишмоқларнинг асосий хусусияти мантиқий вазифаларни ечишдан иборат. Мантиқий вазифаларни шакиллантиришнинг турли иусуллари мавжуд, лекин уларнинг барчаси боланинг ақлий фаолиятини кучайтиришга қаратилган. Болалар бундай топишмоқ ўйинларни жуда ёқтирадилар. Таққослаш, фикрлаш, эслаш ва англаш ақлий меҳнатни қизиқарли бўлишини таъминлайди. Топишмоқларни топиш таҳлил қилиш, умумлаштиришни ривожлантиради, мулоҳаза қилиш, хулоса чиқаришни шакиллантиради.

6. Диалогли-ўйинларнинг асосини ўқитувчининг болалар билан, болаларнинг ўитувчи билан ва ўзаро мулооти ташкил этади. Диалог ўйинлар ўқитувчининг саволини, болаларнинг савол-жавобларини тинглашни, суҳбатнинг мазмунига диққатни қаратишни, суҳбатни тўлдиришни ва мулоҳазаларни айтишни ўргатади. Буларнинг барчаси вазифани ечишни топишни ҳарактерлайди.

Чет тили дарсидаги ўйинларнинг қуйидаги классификациясини келтириш мумкин:

1. Грамматик ўйинлар. Ушбу ўйинлар қуйидаги мақсадга йўналтирилган:

- Ушбу оғзаки нутқ намунасидадан фойдаланиш учун табиий вазиятни шакиллантириш;
- ўқувчиларнинг ижодий нутқини ривожлантиришга қаратилган.

2. Лексик ўйинлар. Ушбу ўйинлар қуйидаги мақсадга йўналтирилган:



- ўқувчиларга табиий шароитларга яқинлаштирилган вазиятларда сўзлардан фойдаланишни ўргатиш;
- ўқувчиларни сўз бирикмалари билан таништириш;
- ўқувчиларнинг нутқ фаолиятини ривожлантириш.

Лексик ўйинлардан таълимнинг барча босқичларида фойдаланиш самарали бўлади.

3. Фонетик ўйинлар. Улар талаффуз қилиш малкасини, гап ва фонемалар интонацияни ривожлантиради ва амалда қўлланилади.

4. Орфографик ўйинлар. Ушбу ўйинларнинг мақсади – инглиз тилидаги сўзларни ёзишни машқ қилиш. Ўйинларнинг бир қисми ўқувчиларнинг хотирасини ривожлантириш машқига, бошқа қисми эса инглиз тилидаги сўзларни ёзишдаги баъзи қоидаларни ўрганишга йўналтирилиши мумкин.

5. Ижодий ролли ва иш билан боғлиқ ўйинлар. Бу каби ўйинлар ўқувчиларда гапириш, эшитиш малакаларини шакллантиради. Бу каби ўйинларнинг мақсадларидан бири ўқувчиларни мулоқот жараёнида нутққа нисбатан реакцияни ўргатишдан иборатдир. Ижодий ўйинларга яққол мисол тариқасида оммабоп теледастурларга асосланган ўйинлар хизмат қилади. Методик адабиётларда икки ўқув предметида асосланган интеграллашган ўйинларни ўтказишнинг фойдаси ҳақида ёзилади.

Ўргатувчи ўйинлар ситуацияли, мусобақали, ритмик-муסיқали ва бадий ўйинларга ажратилади.

Ситуацияли ўйинларга у ёки бу сабабли олиб бориладиган мулоқот вазияти моделлаштириладиган ролли ўйинлар киради. Улар, ўз навбатида, репродуктив характердаги ўйинларга бўлинади. Бунда болалар у ёки бу вазиятга жорий этиладиган намунавий, стандарт ждиалоглар тузади. Бундан ташқари, турли моделлар қўлланиладиган ва кўриниши ўзгартирилиши талаб қилинадиган импровизацион ўйинлар мавжуд. Албатта, репродуктив ўйинга импровизация элементи киритилганда оралиқ бир ҳолат юза келиши мумкин (ва шарт).

Мусобақали ўйинларга лексика ва ёзувни ўзлаштиришга ёрдам берадиган кўплаб ўйинлар киради. Унда тил материални ким яхши билса, ўша бола ютади. Бу ерда турли кроссвордлар, “аукционлар”, лингвистик топшириқлар, буйрукни бажариш ва шу кабилар бўлган стол устида ўйналадиган ўйинлар бўлиши мумкин.


Ритмик-муסיқали ўйинлар – бу турли жўр бўлиб айтиладиган ашулалар, кўшиқлар ва шерикни танлаб оладиган рақслар жамланган миллий ўйинлар. Улар фақат мулоқот малакаларини ўрганишга, балки



нутқнинг фонетик ва ритмик-оҳангли томонларини такомиллаштириш ҳамда тил муҳитига шўнғишга ёрдам беради, масалан: "Nut sand May".

Бадиий ёки ижодий ўйинлар – бу бола учун ўйин орқали ўтадиган ўйин ва бадиий ижод чегарасида бўлган фаолият туридир. Уларни, ўз навбатида, драматик (чет тилида кичкина сахна кўринишини намоиш этиш); график диктант, аппликация ва бошқа шу каби тасвирий ўйинларга ва оғзаки-ижодий (қофияни топиш, комиксларга жамoa бўлиб сўзлар қўйиб чиқиш, жамoa бўлиб қисқа эртаклар тузиш)га ажратиш мумкин.

**ЧЕТ ТИЛИ ДАРСИДА КОММУНИКАТИВ ЎЙИНЛАР
(ИНГЛИЗ, НЕМИС ВА ФРАНЦУЗ ТИЛИДАГИ
МИСОЛЛАР БИЛАН)**



Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўйин қондаси: Бошловчи ушбу кўшиқни болалар билан бирга айтади ва кўшиқни куйлаш давомида кўшиқдаги ҳар бир сўзга мувофиқ ҳаракатлар бажарилади. Масалан, бош, елкалар, тиззалар ва оёқларга қўл теккизилади.

ИНГЛИЗ ТИЛИ

Head and shoulders, knees and toes, knees and toes,
Head and shoulders, knees and toes, knees and toes,
And eyes and ears and mouth and nose,
Head and shoulders, knees and toes, knees and toes.

... and shoulders, knees and toes, knees and toes,
... and shoulders, knees and toes, knees and toes,
and eyes and ears and mouth and nose,
... and shoulders, knees and toes, knees and toes.

... and ..., knees and toes, knees and toes,
... and ..., knees and toes, knees and toes,
And eyes and ears and mouth and nose,
... and ..., knees and toes, knees and toes.

... and ..., ... and toes, ... and toes,
... and ..., ... and toes, ... and toes,
And eyes and ears and mouth and nose,
... and ..., ... and toes, ... and toes.

... and ..., ... and ..., ... and ...,
... and ..., ... and ..., ... and ...,
And eyes and ears and mouth and ...,
... and ..., ... and ..., ... and ...

НЕМИС ТИЛИ

Kopf und Schulter, Knie und Fuß, Knie und Fuß.
Kopf und Schulter, Knie und Fuß, Knie und Fuß.
Und Augen, Ohren, Nase, Mund.
Kopf und Schulter, Knie und Fuß, Knie und Fuß.

...und Schulter, Knie und Fuß, Knie und Fuß.
... und Schulter, Knie und Fuß, Knie und Fuß.
Und Augen, Ohren, Nase, Mund.
... und Schulter, Knie und Fuß, Knie und Fuß.

...und ..., Knie und Fuß, Knie und Fuß.
... und ..., Knie und Fuß, Knie und Fuß.
Und Augen, Ohren, Nase, Mund.
... und ..., Knie und Fuß, Knie und Fuß.

...und ..., ... und Fuß, ... und Fuß.
... und ..., ... und Fuß, ... und Fuß.
Und Augen, Ohren, Nase, Mund.
... und ..., ... und Fuß, ... und Fuß.

...und ..., ... und ..., ... und ...
... und ..., ... und ..., ... und ...
Und Augen, Ohren, Nase, Mund.
... und ..., ... und ..., ... und ...



француз тили

Tête, épaules, genoux et pieds. Genoux, pieds.
Tête, épaules, genoux et pieds. Genoux, pieds.
J'ai deux yeux, deux oreilles, Une bouche et un nez.
Tête, épaules, genoux et pieds. Genoux, pieds.

..., épaules, genoux et pieds. Genoux, pieds.
..., épaules, genoux et pieds. Genoux, pieds.
J'ai deux yeux, deux oreilles, Une bouche et un nez.
..., épaules, genoux et pieds. Genoux, pieds.

..., ..., genoux et pieds. Genoux, pieds.
..., ..., genoux et pieds. Genoux, pieds.
J'ai deux yeux, deux oreilles, Une bouche et un nez.
..., ..., genoux et pieds. Genoux, pieds.

..., ..., ... et pieds. ..., pieds.
..., ..., ... et pieds. ..., pieds.
J'ai deux yeux, deux oreilles, Une bouche et un nez.
..., ..., ... et pieds. ..., pieds.

..., ..., ... et, ...
..., ..., ... et, ...
J'ai deux yeux, deux oreilles, Une bouche et un nez.
..., ..., ... et, ...



Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўйин қоидаси: Бошловчи чет тилида сўз айтиб иштирокчиларга коптокни отади ва болалар шу сўзни такрорлайдилар.




«I CAN SEE/
ICH KANN SEHEN/
JE PEUX VOIR»
ЎЙИНИ

Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўйин қондаси: Столга бир нечта ўйинчоқ ҳайвончалар қўйилади. Болалар кўзларини юмадилар ва шу пайт ўйинчоқ ҳайвончалардан бири беркитиб қўйилади. Болалар қайси ҳайвонча беркиниб олганини ва қайси ҳайвончалар қолганини айтиб беришлари керак.

ИНГЛИЗ ТИЛИ	НЕМИС ТИЛИ	ФРАНЦУЗ ТИЛИ
<i>I can see ...</i>	<i>Ich kann ...sehen</i>	<i>Je peux voir...</i>
<i>I can't see ...</i>	<i>Ich kann nicht ...sehen</i>	<i>Je ne peux pas voir...</i>



«SIMON SAYS»
ЎЙИНИ

Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўйин қондаси: Болалар ўқитувчини ёнига турадилар (ёки ўйин бошловчисини ёнига турадилар). Болаларнинг вазифаси ўқитувчи бераётган кўрсатмани (буйруқ) бажаришдан иборат. Ўқитувчи *Simon says.../Simon sagt.../ Simon dit...* иборасини айтади, кейин қуйидаги кўрсатмани беради: *Hands up! Sit down! Jump! Run! /Hebt die Hände!, Setzt euch!, Springt! Läuft! /Levez les mains!, Asseyez-vous! Sautez! Courez!* ва хоказо. Агар ўқитувчи *Simon says.../Simon sagt.../ Simon dit* иборасини айтмаса кўрсатма бажарилмайди.




Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Керакли жиҳозлар: бармоққа кийдириладиган қўғирчоқлар (Иловага қаранг, 57-58 бет)

Ўйин қондаси: Болаларнинг ҳар бир бармоғига қўғирчоқлар кийдирилади (“Ташқи кўриниш” мавзуси ўтилганда болалар ўзлари бармоққа кийиладиган қўғирчоқларни яшашлари мумкин). Болалар бармоқларини кўрсатган ҳолда чет тилида шеърни ўқийдилар:

инглиз тили	немис тили	француз тили
<i>This is my mother.</i>	<i>Mein Opa heißt Hans.</i>	<i>C'est ma mère.</i>
<i>This is my father.</i>	<i>Mein Vater heißt</i>	<i>C'est mon père.</i>
<i>This is my brother</i>	<i>Franz.</i>	<i>C'est mon frère Paul.</i>
<i>Paul.</i>	<i>Meine Mutter heißt</i>	<i>C'est ma tante.</i>
<i>This is my aunt.</i>	<i>Renate.</i>	<i>C'est mon oncle.</i>
<i>This is my uncle.</i>	<i>Meine Schwester heißt</i>	<i>Comment je les aime</i>
<i>How I love them all.</i>	<i>Beate.</i>	<i>tous.</i>
	<i>Meine Oma heißt</i>	
	<i>Otilie.</i>	
	<i>Das ist meine Familie.</i>	



Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Ұйин қондаси: Болалар бир-бирларини қўлларидан ушлаб доира ҳосил қиладилар. Ёнларидаги қўшниларига қараб бир нечта яхши сўзларни айтадилар, бирон нарса учун миннатдорчилик билдирадилар: *You are my friend., You are very good., Your eyes are kind./Du bist mein Freund., Du bist sehr gut, Deine Augen sind sehr schön./ Vous êtes mon ami, Vous êtes très bon, Vos yeux sont aimables* ва бошқалар. Мақтов (комплимент) айтилаётган бола эса қуйидагича жавоб қайтаради: *Thank you/Danke schön/ Merci!*

Агар бола комплимент қилишга қийналса ўқитувчи унга ёрдам беради ва ўзи боланинг ўрнига комплимент қилади.




Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Керакли жиҳозлар: 2 та қўғирчоқ ва қўғирчоқлар учун 2 та кийимлар тўплами (қоғоздан ясаса ҳам бўлади) (Иловага қаранг, 59 бет).

Ұйин қондаси: Ұйинда иккита гуруҳ иштирок этади. Уларга қўғирчоқларни кийинтириш вазифаси берилади ва кийинтириш жараёнида болалар кийимларни номини чет тилида айтишлари керак бўлади. Масалан: *She has a blouse on. She has a dress on. She has a skirt on./ Sie hat die Bluse an. Sie hat das Kleid an. Sie hat den Rock an/ Elle a*




une blouse. Elle a une robe. Elle a une jupe ва бошқалар. Энг кўп жумлаларни тўғри туза олган гуруҳ ғалаба қозонади.



Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларни ривожлантириш.


Ўйин қондаси: Болалар ҳайвонлар рўлини ўйнайдилар. Ўйинда иштирок этаётган ҳамма болалар доира бўлиб стулда ўтирадилар. Ўқитувчининг (ўйин бошловчисининг) ўнг томонидаги стул бўш қолдирилади. Ўқитувчи ўйин сўзларини айтиб ўқувчилардан бирини исмини айтиб чақиради. Исми айтиб чақирилган бола ўқитувчидан қайси ҳайвон тимсолида унинг ёнига бориши кераклигини сўрайди ва ўқитувчи айтган ҳайвон тимсолида ўқитувчининг ёнига бориб ўтиради. Ўйин шу тариқа давом этади. Ўйин мусиқа садоси остида олиб борилиши ҳам мумкин.

инглиз тили	немис тили	француз тили
<i>T: My right, right place is free, And I want to see ... (Name) here.</i>	<i>L: Mein rechter, rechter Platz ist frei, Dann wünsche ich mir ... (Name) herbei.</i>	<i>I.: Mon droit, Place de droit est vide Maintenant je voudrais à mon droit ... (Prénom) venir.</i>
<i>P: Like who must I come?</i>	<i>Sch: Als was soll ich kommen?</i>	<i>E.: Comme quoi je peux venir au près de toi ?</i>
<i>T: Like a ... (Animalname)</i>	<i>L: Als ... (Tiername)</i>	<i>I.: Comme... (Le nom de l'animal)</i>



Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўйин қоидаси: *to have/ haben/ avoir* феъли “*Button*”/ “*Knöpfchen*”/ “*Bouton*” ўйинида яхши ўзлаштирилади. Ҳамма ўқувчилар қўлларини қайиқча қилиб доира шаклида туришади. Ўйин бошловчиларидан бири тугмачани ҳеч кимга сездирмай болаларнинг бирини қўлига солиб қўяди ва иккинчи ўйин бошловчиси тугмача кимнинг қўлида эканлигини топиши керак. Иккинчи бошловчи ҳар бир болага қўлидагича мурожаат қилади: *Button, button! Have you a button?/ Knöpfchen Knöpfchen! Hast du das Knöpfchen? / Avez-vous un bouton?* ва *No!/Nein!/Non!* деган жавобни эшитади, кейин худди шу савол билан бошқа болаларга ҳам мурожаат қилади. Бошловчи тугмача кимнинг қўлидагини топгунга қадар ўйин давом этади. Бошловчи фақат юқорида келтирилган сўзлардан фойдаланиши мумкин. Бу ўйин болаларни нутқини ривожлантиришга қаратилган.




Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Керакли жихозлар: Турли ўйинчоқ ҳайвончалар керак бўлади.

Ўйин қоидаси: Ўқувчиларга стол устига қўйилган бир қатор ўйинчоқ ҳайвончаларга синчиклаб қараб уларни эслаб қолиш кераклиги



айтилади. Кейин ўқувчилар орқага қараб турадилар ва шу пайт бошловчи ҳайвончалардан бирини орқасига беркитади. Ўқувчилар олдиларига ўгириладилар ва савол берадилар: *Have you got a fox?, Have you got a rabbit? /Hast du den Fuchs?, Hast du das Kaninchen?/ Avez-vous un renard ? Avez-vous un lapin?*. Болалардан бири қайси ҳайвон йўқолганини айтмагунча савол берилади ва беркитилган ҳайвонни номини айтган ўқувчи бошловчи ўрнини эгаллайди.



Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.


Ўйин қондаси: *to have* феъли ишлатиладиган қийинроқ жумлаларни яхши ўзлаштиришда “Тезкор поезд” ўйини ёрдам беради. Ўқитувчи кейинги сатрларда мисол сифатида келтирилган гапларни секин айтишни болалардан сўрайди. Масалан: *I have a book in my hand/ Ich habe ein Buch in meiner Hand/J'ai un livre dans mon main*. Бир оз муддатдан сўнг ўқитувчи поезд тезликни ошираётганини айтиб ўқувчиларни огоҳлантиради ва гапларни тез суръатда айтишни бошлайди. Ўқувчилар ҳам “поезддан” ортта қолмаслик учун айтилган гапларни тез қайтарадилар.



Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.



Ўйин қоидаси: “Комментатор” ўйини Present Progressive (Ҳозирги давомий замон)даги гап структураларини ўрганишга ёрдам беради. Ўқувчилар навбат билан карточкада кўрсатилган ҳаракатларни пантомима ёрдамида кўрсатадилар, қолган ўқувчилар эса бу хатти-ҳаракатларни чет тилида изоҳлайдилар. Энг кўп карточкани қўлга киритган ўқувчи ғолиб бўлади.



Ўйиннинг биринчи кўриниши

Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўйин қоидаси: Ўқитувчи болаларга *Stand up! Sit down! Steht euch! Setzt euch! Levez-vous! Asseyez-vous!* – деб кўрсатма беради ва кўрсатмаларига мос ҳаракатларни бажаради. Лекин ўқитувчининг ҳаракатлари ҳар бир кўрсатмаларига мос бўлиши шарт эмас. Ўқувчилар эса аксинча барча ҳаракатларни ўқитувчининг кўрсатмаларига мувофиқ бажаришлари шарт. Ўқувчилардан қайси бири ўқитувчи бажарган нотўғри ҳаракатни такрорласа ўйинда мағлуб бўлади. Энг эътиборли ўқувчи ўйинда ғолиб бўлади. Бу ўйиндан кичик жисмоний тарбия сифатида фойдаланиш мумкин.


Ўйиннинг иккинчи кўриниши

Ўйин қоидаси: Ушбу ўйиннинг яна бир кўриниши мавжуд. Бунда ўқувчилар ўқитувчининг кўрсатмаларини эмас, балки илтимосларини бажаради. Масалан, қуйидаги иборани эшитганда ўрнидан туриш керак бўлади: *Stand up, please! Steht euch, bitte! Levez-vous, s'il vous plaît,* лекин - “*Stand up! Steht euch! Levez-vous!*” иборасини эшитганда ҳаракатланмаслик керак, чунки бу ерда *please!/bitte!/s'il vous plaît!* илтимос қилиш формаси қўлланилмаган.




Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўйин қондаси: Ўқитувчи предметларга кўли билан ишора қилиб ўқувчилардан куйида айтилган вазифани бажаришни сўрайди: *Point to the door (window, desk, etc.)/ Zeigt die Tür(das Fenster, die Tafel, usw)/ Montrez-vous la porte (la fenêtre, le bureau, etc.)*, лекин баъзида айтилган вазифага мос предметларга ишора қилмайди ва ўқувчиларни чалғитишга ҳаракат қилади. Ўқувчилар эса диққатларини жамлаб адашмасликка ҳаракат қиладилар. Кимки адашса ўйиндан чиқади. Энг диққатли ўқувчи ғалаба қозонади.




Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўйин қондаси: Ўқитувчи ўқувчини ёнига чақиради ва кўрсатма беради: *Go to the door! (Take the pen! Touch the wall!, etc.)/ Geh mal zur Tür (Nimm den Bleistift! Fass die Wand an!)/ Allez à la porte! (Prenez le stylo! Touchez le mur! etc)*. Робот «сигнални ушлаб олади» ва кўрсатмаларни бажаради.



Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўйин қондаси: Жисмоний тарбия сифатида фойдаланиш мумкин. Ўқитувчи 2 та ўқувчини чақиради. Ўқитувчи кўрсатма беради: *Run to the door! / Lauf zur Tür! / Courez à la porte!*, болалар ким ўзарга ўйнайдилар, яни эшик олдига биринчи бўлиб боришга ва эшикка биринчи бўлиб тегишга ҳаракат қиладилар, кейин бошқа кўрсатмалар берилади: *Run to the teacher, etc / Lauf zum Lehrer, usw / Courez au près de l'enseignant! etc.* Ким кўрсатмаларни аниқ ва тез бажарса ўша ўқувчи ғолиб бўлади.



Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Керакли жихозлар: рақамлар ёзилган карточкалар (Иловага қаранг, 60-61 бет)

Ўйин қондаси: Бошловчи (ўқитувчи ёки ўқувчилардан бири) кўлида бирон рақам ёзилган карточкани беркитилган ҳолатда ушлаб туради. У биринчи ўқувчидан сўрайди: *How many? / Wie viel? / Combien?*, ўқувчи бирон рақамни айтади. Агар айтилган рақам карточкадаги рақамдан кўпроқ бўлса, бошловчи *Less! / Weniger!, Moins!* деб айтади, агар кам




бўлса- *More! /Mehr! Plus!* дейди. Тўғри рақамни айтган ўқувчи бошловчи бўлади.



Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўйин қондаси: Болалар доира шаклида туриб оладилар. Ўқитувчи болаларни биринчилар ва иккинчиларга ажратади. Кейин куйидаги кўрсатмани беради: *All number ones cross the circle as a bird/ Alle Eins gehen wie Vogel durch den Kreis / Tous les premiers traversent le cercle comme les oiseaux*. Биринчи рақамли болалар доирани куш каби қанот қоқиб кесиб ўтадилар ва ўйин шу тариқа давом этади.

Эслатма: бу ўйинни бошқа хайвонларни номидан фойдаланган ҳолда ҳам ўйнаш мумкин.



Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўйин қондаси: Ўқитувчи болаларга қофиядош сўзлар расми туширилган иккита карточкани кўрсатади, масалан: *Pen-Men, Frog-Dog, Boy-Toy/ Bunt-Hund, rot- Brot/*. Болалар шеърнинг охириги иккита



қаторидаги тагига чизилган сўзларни суратдаги сўзлар билан алмаштирадilar.

ИНГЛИЗ ТИЛИ	НЕМИС ТИЛИ
<i>One and Two and Three and Four</i>	<i>Eins und zwei und drei und vier</i>
<i>I am sitting on the floor,</i>	<i>Ich und du, wir malen <u>hier</u></i>
<i>I am playing with the <u>ball</u></i>	<i>Im Garten sehen wir ein <u>Tier</u></i>
<i>And a little pretty <u>doll</u>.</i>	




Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Керакли жихозлар: Юмшоқ коптокча.

Ўйин қондаси: Ўйинни ҳар қандай мавзуда ҳам ўйнаш мумкин. Болалар доира бўлиб турадилар. Ўқитувчи ўқувчилардан бирига коптокни отади ва мавзу бўйича бирон бир сўзни чет тилида ёки рус, ўзбек тилида айтади. Ўқувчи коптокни илиб олади ва ўқитувчи айтган сўзни чет тилидаги эквивалентини айтади ва коптокни ўқитувчига қайтаради. Ўқитувчи коптокни бошқа ўқувчига отади ва янги сўзни айтади.

ИНГЛИЗ ТИЛИ	немис тили	француз тили
<i>T.: Копток.</i>	<i>L.: Копток.</i>	<i>I.: Копток.</i>
<i>P1.: A ball.</i>	<i>Sch1: Der Ball.</i>	<i>E.: un ballon.</i>
<i>T.: Машина.</i>	<i>L.: Машина.</i>	<i>I.: Машина.</i>
<i>P2.: A car. ҳоказо.</i>	<i>Sch2: Das Auto. etc.</i>	<i>E.: une voiture etc.</i>



Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Керакли жиҳозлар: рақамлар/ҳайвонлар/кийимлар/мевалар ва бошқаларнинг расмлари туширилган карточкалар (Иловага қаранг 60, 61, 62, 66, 68 бетлар).

Ўйин қондаси: Ўйинда иккита команда иштирок этади. рақамлар/ҳайвонлар/кийимлар/мевалар ва бошқаларнинг расмлари туширилган карточкалар стол устига қўйилади. Стол олдида иккала командадан биттадан иштирокчи келади. Ўқитувчи бирон бир рақамлар/ҳайвонлар/кийимлар/мевалар номини чет тилида айтади. Ўйинчиларнинг вазифаси керакли карточкани тезроқ топишдан иборат. Энг кўп карточка тўплаган команда ғолиб бўлади.




Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўйин қондаси: Ўқитувчи (ёки болалардан бири) “*Let’s fly, fly, fly. Nose/ Wir fliegen fliegen fliegen. Nase/ Volons, volons. Le nez*” деб айтади. Болалар кушлар каби қанот қоқадилар. “nose” сўзини эшитганларида бурунларини ушлашлари керак бўлади. Сўзни тушунмаган ва хатога йўл қўйган ўқувчи ўйинни тарк этади.




ИНГЛИЗ ТИЛИ	НЕМИС ТИЛИ	ФРАНЦУЗ ТИЛИ
<i>T.: Let's fly, fly. Nose. Let's fly, fly, fly. Face. Ва бошқалар.</i>	<i>Wir fliegen fliegen fliegen. Nase Wir fliegen fliegen fliegen. Gesicht, usw.</i>	<i>Volons, volons. Le nez. Volons, volons, volons. Le visage. etc.</i>



Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Ұйин қондаси: Ҳуқувчилар ярим доира шаклини ҳосил қиладилар. Ҳуқитувчи Ҳуқувчилардан бирига коптокни ота туриб кўрсатма ва савол беради. Ҳуқувчи кўрсатмани бажаради ва саволга жавоб беради ва коптокни Ҳуқитувчига қайтаради. Ҳуқитувчи коптокни бошқа Ҳуқувчига отади ва юқорида айтиб Ҳутилганларни такрорлайди. Кўрсатмаларни тушунмаган ва бажара олмаган Ҳуқувчилар Ҳуйинни тарк этадилар. Ҳуйин охиригача қолган Ҳуқувчи Ҳулиб бўлади.

ИНГЛИЗ ТИЛИ	НЕМИС ТИЛИ	ФРАНЦУЗ ТИЛИ
<i>T: Turn to the right. Are you turning to the right? P1: Yes, I am.</i>	<i>L: Nach links abbiegen! Bist du nach links abgebogen? Sch: Ja.</i>	<i>Tournez à gauche! Avez-vous tourné à gauche ? E.: Oui.</i>



**«САВАТНИ МЕВАЛАР
БИЛАН ТЎЛДИР»
ЎЙИНИ**

Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Керакли жиҳозлар: мевалар расми туширилган карточкалар (Иловага қаранг, 66 бет)


Ўйин қоидаси: Ўқитувчи ҳар бир боланинг қулоғига битта мевани номини айтади ёки мева расми туширилган карточни беради. Иккита боғбон чақирилади. Улар навбатма-навбат меваларнинг номини айтадилар, қайси ўқувчидаги мева номи айтилса ўша ўқитувчи ўз боғбонининг ёнига бориб туради. Энг кўп меваларни тўплаган боғбоннинг гуруҳи ғалаба қозонади.



**«КИМ РАҚАМЛАРНИ
ЯХШИРОҚ БИЛАДИ»
ЎЙИНИ**

Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўйин қоидаси: Ҳар бир командадан биттадан иштирокчи доскага чиқади. Доска икки қисмга ажратилиб, иккала тарафига ҳам бир ҳил рақамлар олдиндан ёзиб қўйилган бўлиши керак. Бошловчи чет тилида рақам айтади, доскадаги иштирокчилар рақамни топиб тезда рангли бўр билан рақамни доира ичига оладилар. Кўпроқ рақамни белгилаган иштирокчи ғолиб бўлади.




«ХУШЧАҚЧАҚ РАССОМЛАР» ҰЙИНИ

Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Ұйин қондаси: Ұқувчи кўзларини юмган ҳолда ҳайвон расмини чизади. Бошловчи эса ҳайвоннинг асосий тана қисмларини айтиб туради.

инглиз тили	немис тили	француз тили
<i>Draw a head, please.</i>	<i>Zeichne den Kopf, bitte.</i>	<i>Dessinez une tête, s'il vous plaît.</i>
<i>Draw a body, please.</i>	<i>Zeichne den Körper, bitte.</i>	<i>Dessinez un corps, s'il vous plaît.</i>
<i>Draw a tail, please.</i>	<i>Zeichne den Schwanz, bitte.</i>	<i>Dessinez une queue, s'il vous plaît.</i>

Агар расм яхши чизилса, ўша команда 5 баллни қўлга киритади.



«ҚАРСАК ЧАЛАМИЗ» ҰЙИНИ

Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Ұйин қондаси: Иккита гуруҳ аъзолари доира шаклида туриб олишади. Бошловчи доира марказида туриб уй ҳайвонлари ва йиртқич ҳайвонлар номини аралаштириб чет тилида айтади. Болалар йиртқич ҳайвон номини эшитганларида бир марта қарсак чаладилар, уй ҳайвони



номини эшитганларида эса икки марта қарсак чаладилар. Хато қилган бола ўйинни тарк этади. Қайси гуруҳ иштирокчилари кўп бўлса ўша гуруҳ ғолиб бўлади.



Ўйиннинг биринчи кўриниши

Мақсад: коммуникатив ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш.

Керакли жиҳозлар: йил фасллари акс этган расмлар (Иловага қаранг, 67 бет)

Ўйин қоидаси: Доскада йил фасллари акс этган суратлар осилади. Болалар қайси йил фасли ҳақида гап бораётганини топишлари лозим. (дискда йил фасллари ҳақида қисқа матнлар ёзилган бўлиб, улар товушли фонлар билан бойитилган, масалан: қушларнинг куйлаши, ёмғирнинг товуши ва бошқалар).

Ўйиннинг иккинчи кўриниши

Ўйин қоидаси: Ўқитувчи ўқувчилардан бирига фасллардан бири ҳақида ўйлашни ва уни пантомима орқали кўрсатиб беришини айтади (овоз ва товушларни чиқармасдан). Қолган ўқувчилар эса топишга ҳаракат қиладилар. Фасл номини тўғри топган ўқувчи ғолиб бўлади. Масалан:

ИНГЛИЗ ТИЛИ

НЕМИС ТИЛИ

ФРАНЦУЗ ТИЛИ

T: It is cold. It is white. I ski. I skate. I throw snowballs


P: Is it spring? Is it winter?

L: Es ist kalt. Es ist Weiß. Ich laufe Ski. Ich laufe Schlittschuhe. Ich spiele Schneeball.

Sch: Ist es Frühling? Ist es Winter?

P: Il fait froid. Il est blanc. Je fais du ski. Je fais du roller. Je lance des boules de neige.

E: Est-ce le printemps? Est-ce l'hiver?




